

---

## Маҳаллага яна янги электр бетон таянч устунлари келтирилди

Бугун, 25 сентябр куни Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси томонидан "Эски Яйпан" маҳалласига яна 42 та электр бетон таянч устунлари етказиб келинди ва маҳаллага туширилди.



Аввалроқ маҳаллага ана шундай 30 та янги электр таянч устунлари олиб келиниб, ўрнатилган эди.



Туман энергетиклари томонидан янги таянч устунларини ҳам тез муддатларда ҳудудга тўлиқ ўрнатиш билан биргаликда, янги СИП кабелларини тортиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-09-25 19:08:08